

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

БАФОЕВА ЗАРНИГОР ОРИФОВНА

COVID-19 ЎТКАЗГАН, ГЕПАТОБИЛИАР ТИЗИМИ
БУЗИЛИШЛАРИ БЎЛГАН ЁШ БЕМОЛЛАРНИ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.05 - Ички касалликлар
14.00.12 – Тиббий реабилитация

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2024

УЎК: 616-082.8:[616.9: 578.834+616.36]-053

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of dissertation for the Doctor of Philosophy (PhD)

Бафоева Зарнигор Орифовна

Covid-19 ўтказган, гепатобилиар тизими бузилишлари бўлган ёш беморларни реабилитация қилиш хусусиятлари..... 3

Бафоева Зарнигор Орифовна

Особенности реабилитации больных молодого возраста, перенесших Covid-19 с патологией гепатобилиарной системы 25

Bafoeva Zarnigor Orifovna

Features of rehabilitation of young patients who underwent Covid-19 with pathology of the hepatobiliary system 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

БАФОЕВА ЗАРНИГОР ОРИФОВНА

COVID-19 ЎТКАЗГАН, ГЕПАТОБИЛИАР ТИЗИМИ
БУЗИЛИШЛАРИ БЎЛГАН ЁШ БЕМОРЛАРНИ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.05 - Ички касалликлар
14.00.12 – Тиббий реабилитация

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3761 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамраев Абдор Асрарович,
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Собирова Гузал Наимовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Рахимова Дилором Алимовна,
тиббиёт фанлари доктори, профессор;
Муминов Даврон Кадирович,
тиббиёт фанлари доктори, доцент.

Етакчи ташкилот: Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институти.

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй.Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Форобий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ да куни тарқатилди.
(2023 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Т.Рустамова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурияти. Дунёда ҳозирги кунда COVID-19 билан касалланганлар орасида профессионал, далилларга асосланган тиббий реабилитацияни олиб бориш ҳақида тушунчалар етарли бўлмаслининг асосий сабаб мазкур касалликнинг янги эканлигидир. Даволаш ишлари ҳақида аниқ маълумотлар олишнинг анъанавий усули, узоқ муддатли кузатишларни талаб қилади, бу эса пандемия шароитига тўғри келмайди. Чунки Covid -19 пандемияси Соғлиқни сақлаш тизими зиммасига катта маъсулиятли, тезкор вазафаларни юклаб қўйди. Улар касалликни эрта аниқлаш, тўғри ташҳислаш, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, реабилитация ва иккиламчи инфекция олдини олиш кабилардир.¹

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти пандемия даврини, SARS-CoV-2 касаллик патогенезининг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда, даволашнинг анъанавий усулини қўллаш самарасиз ёки хавфли бўлиши мумкинлигини таъкидлади. Ҳозиргача касалларга юқори малакали даволаш, ташҳислаш ва қайта тиклаш жараёнини ишлаб чиқиш учун бир қатор жаҳондаги етакчи клиникалар иш олиб бормоқдалар. Тавсияномаларни кўриб чиқиш ва улардаги камчиликларини бартараф этиш учун, бутун дунё тиббиёт соҳа вакиллари ва шу ўринда реабилитологлар бирлашиши талаб қилинади.²

Республикамизда ҳам бошқа бир қатор мамлакатлар сингари ҳозирда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш учун ислохотлар олиб бормоқда. Бундай ташаббускорликдан асосий мақсад, аҳоли соғлиғини, ижтимоий ҳаётини яхшилаш, касалликларни эрта ташҳислаш, даволаш ва олдини олиш, шунингдек тизимни жаҳон андозаларига мослаштиришдан иборатдир. Тиббиётнинг янги босқичга ўтиши, аҳоли тиббий маданиятини оширишнинг асосий мақсади, самарали, сифатли ва анъанавий тиббий хизматни ташкил қилиш, соғлом турмуш даражасини ошириш, касалликларни олдини олиш, шу орқали замонавий диагностика, даволаш ва албатта реабилитация усулларига асос солишдан иборат.³

Олиб борилган диссертация иши мақсад ва вазифаларига мос равишда охириги йилларда юртимизда пандемия даврида коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.01.2020 йилдаги ПФ-5537 – сон фармони чиқди. Унга мувофиқ мамлакатимиз ҳудудига 2019-йил Covid-19 коронавируси (кейинги ўринларда — коронавирус)нинг янги тури

¹ World Health Organization. Coronavirus disease 2019 (COVID-19) situation report – 48, Available at: https://www.who.int/docs/default-source/coronaviruse/situation-reports/20200308-sitrep-48-covid-19.pdf?sfvrsn=16f7ccef_4[accessed: Mart 9,2020] <https://news.un.org/ru/story/2020/12/1392082>

² Yang X, Yu Y, Xu J, et al. Clinical course and outcomes of critically ill patients with SARS-CoV-2 pneumonia in Wuhan, China: a single-centered, retrospective, observational study. *Lancet Respir Med.* 2020;8(5):475–481. doi: 10.1016/S2213-2600(20)30079-5.

³ Ўзбекистон Республикаси ПФ №5537 сонли, 29 январь 2020 йил. “Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида”

кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, қулай санитария-эпидемиологик муҳитни таъминлаш ҳамда саломатлигини муҳофиза қилишдан иборат бўлди.

Covid-19ни тарқалишини олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4649-сон “Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекциясининг кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” даги Фармонларга таянган ҳолда, аҳоли орасида касаллик, унинг асоратларини эрта аниқлаш, ташхислаш ва тиббий реабилитация дастурини ишлаб чиқиш ва ҳаёт сифатини ошириш мақсадида мазкур илмий тадқиқот иши олиб борилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-2857-сон Фармойиши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 — 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ф-3071-сон Фармойишини бажаришда мазкур илмий иш муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI “Тиббиёт ва фармакология” соҳасини ривожлантиришга мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли мамлакатларида олиб борилган кўплаб тадқиқотлар, SARS-CoV-2 билан касалланган беморлар орасида жигар дисфункцияси ҳолатлари қайд этилганлиги, зарарланишга ҳос хусусиятлари, жигар ферментларининг яъни аспартатаминотрансфераза (АСТ) ва аланинаминотрансфераза (АЛТ) ларнинг қон таркибида ошиши бўлди. Аммо ҳозиргача жигар зарарланишига сабабчи вирус эканлиги, дориларнинг токсиклиги ёки ёндош касалликлар бўлиши ўз исботини топмади. Шунини аниқлаш муҳимки, қандай қилиб респиратор вирус, бевосита жигарни зарарлантириши, унинг механизми, нима сабабдан эркакларда жигар зарарланиши кўпроқ учраши, генетик мойилликлар аҳамиятга эгаллиги каби бир қатор саволлар живобсиз қолмоқда [Соня А., Ласона С 2020].

Айрим олимлар жигар дисфункциясини узоқ муддатли шифохонага ётиш билан боғлайди [С. Zhang, L. Shi, et.al.2020]. Вонга ва ҳаммуаллифлар тизимли мета-тахлил ўтказганида, SARS-CoV-2 билан касалланган ва

касаланмаган беморларни ўзаро таҳлил қилганда, каронавирус билан оғриган ва унинг оғир даражаси бўлганлар орасида бу кўрсаткичларнинг юқори бўлиши исботланган [Y.J. Wong, M. Tan, et.al.2020]. Касаллик оғир кечган беморларнинг АЛТ/АСТ миқдорлари ўрганилганда, цитолитик кўрсаткичларни пандемиянинг дастлабки даврларида 16-53% да ошганини таъкидлашган [E. Ridruejo, A. Soza., et.al.2020]. АСТ ошиши Covid -19 билан оғриган беморларда энг кўп учрайдиган аномал ҳолат ҳисобланади. Альбумин даражасининг пасайиши оғир инфекция ва касалликнинг салбий оқибатлар билан боғлиқ. Аммо Covid -19 билан оғриган беморларда ўткир ёки ўткир ости жигар етишмовчилиги ҳақида хабарлар йўқ. Хитойдан 5771 та Covid-19 ҳолатини ўз ичига олган энг йирик когорт тадқиқотлари шуни кўрсатдики, 81 (1,4%) одамда илгари сурункали жигар касаллиги бўлган. Ф.Лей ва бошқа муаллифлар жигар дисфункцияси Covid -19 билан оғриган беморлар ўлими билан боғлиқлиги ҳақида хабар беришган [F.Lei, Y.-M. et.al.2020]. АСТ нинг ошиши касалхонага оғир ҳолатда ётқизилган беморларда (39,4%), АЛТ нинг (28,1%) ортишига нисбатан сезиларли кўпроқ учраган. Бундан ташқари, АСТ даражасининг кўтарилиши ўлимнинг энг юқори хавфи билан боғлиқлиги кўрсатилган [Rica, M. Borges, M. et.al.2020, F. Zhou, T. Yu, et.al.2020]. Шунингдек Covid-19 оғир кечган беморларда гипербилирубинемия 1,7 мартага, гипоальбуминимиянинг етти мартага ошганини аниқланган [Y.J. Wong, M. Tan, et.al.2020].

Республикамизда Covid -19 билан касаланган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб бормоқдалар: Даминов Б.Т., Эгамбердиева Н.К., (ТашПМИ), Тўйчиев Л.Н., Худайкулова Г.К., Гадаев А.Г., Исмаилова М.И., (Тошкент тиббиёт академияси), Аляви А.С., Абдуллаев А.Х. (Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази), Таджиев Б.М (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти), Мусабаев Э.И. (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология илмий тадқиқот институти).

Айни вақтда бутун дунёда каронавирусга ўз вақтида тўғри, тезкор ташхис қўйишга, даволашга ва ихтисослаштирилган реабилитацияни олиб бориш мақсадида кўплаб илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажариладиган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент Тиббиёт Академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (B2023.3. PhD/Tib3761.) “ Covid-19 ўтказган, гепатобилиар тизими бузилишлари бўлган ёш беморларни реабилитация қилиш хусусиятлари” мавзуси доирасида бажарилган (2021-2024й).

Тадқиқот мақсади: COVID-19ни ўтказган, жигар ва ўт йўллари дисфункцияси бўлган, беморлар учун реабилитация дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

COVID-19ни ўтказган, гепатобилиар соҳа касалликлари бўлган ва бўлмаган беморларнинг клиник, биокимёвий ва асбобий кўрсаткичларни ретроспектив текширув усули орқали қиёсий ўрганиш.

COVID-19 билан оғриган, жигар ва ўт пуфаги фаолияти бузилган беморларнинг ретроспектив ва проспектив текширув усули ёрдамида анамнестик, клиник-биокимёвий ва асбобий кўрсаткичларини қиёсий ўрганиш;

COVID-19ни ўтказган, ёш беморларда, жигар ва ўт пуфаги дисфункциясини башорат қилувчи белгиларини аниқлаш;

COVID-19ни ўтказган, ёш беморлар учун реабилитация йўналиш шкаласини мувофиқлаштириш;

COVID-19 билан оғриган, жигар ва ўт йўллари дисфункцияси бўлган ёш беморлар учун реабилитация дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти 2021-2023 йилларда COVID-19 билан касалланган ва постковид асоратлари бўлган ТТА кўп тармоқли клиникаси шароитида ётиб даволанган 182 та, Республика махсус 2-сонли Зангиота клиник касалхонасида ётиб даволанган 110 та ва 20 та назорат гуруҳдаги беморлар ўрганилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қонни умумий ва қон биокимёвий таҳлиллари (АЛТ, АСТ, ишқорий фосфотаза (ИФ), Гамма-глутамилтранспептидаза (ГГТ), билирубин, С реактив оқсил (СРО), умумий оқсил, мочевина, креатинин, амилаза, Лактатдегидрогеназа (ЛДГ)), коагулограмма (Фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти (АЧТВ), протромбин индекси (ПТИ), протромбин вақти (ПТВ), Халқаро нормаллаштирилган муносабат (МНО)), асбобий (кўкрак қафаси мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ), жигар ва ўт йўллари “ўт ҳайдовчи нонушта” усулида ультратовуш текшируви (УТТ)).

Тадқиқот усуллари: анамнестик сўровнома, клиник, функционал, биокимёвий, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

енгил ва ўрта даражадаги COVID-19 ни ўтказган беморларда жигар функционал ҳолатининг цитолитик синдром ва оқсил синтези фаоллигининг ортиши бирга келиши асосланган;

COVID-19 ни ўтказган ёш беморларда метоболик ўзгаришларнинг яққол намоён бўлиши ва жигар яллиғланиш жараёнининг фаоллиги ўртасидаги корреляцион боғлиқлик асосида реабилитация маршрутизация шкаласи аниқланган;

COVID-19 ни ўтказган беморларда жигар функционал бузилишларини башорат қилувчи омиллар сифатида анамнезида кам ҳаракатлик, нотўғри овқатланиш, ортиқча вазн ҳамда жигарнинг ноалкогол ёғли касаллиги бўлиши асосланган;

мобил қурилмалар асосида ишлаб чиқилган дифференциаллашган рақамли реабилитация мажмуасидан фойдаланиш COVID-19 ни ўтказган ёш

беморларни реабилитация муддатини қисқартиришга ёрдам бериши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Covid-19 билан касалланганларда жигар зарарланишини аниқлаш учун сўровнома, лаборатор таҳлиллар (УҚТ, ҚБТ ва коагулограмма), асбобий (кўкрак қафаси МСКТ, жигар ва ўт йўллари “ўт ҳайдовчи нонушта” усулида УТТ) текширувларнинг реабилитация ўтказишдаги амалий аҳамияти исботланган.

Covid-19 билан касалланган беморларнинг кундалик фаолияти бузилишларини баҳолаш орқали, реабилитация йўналиши шкаласидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсатилган.

Тиббий ва жисмоний реабилитацияни ўз ичига олган, реабилитация чора-тадбирларини эрта қўллаш, ўзгарган кўрсаткичларни тез тикланишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилгани, назарий маълумотлар олинган маълумотлар билан мос келиши, материалларнинг етарли бўлиши, клиник, функционал, лаборатор усулларнинг асосли бўлиши, барча маълумотлар хорижий ва маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулосалар ҳамда олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Covid-19нинг асосий патогенетик вариантлари аниқланган. Беморларда жигар ва ўт пуфаги дисфункциясининг хавф омиллари топилган. Гепатобилиар зонанинг патологияси бўлган Covid-19ни ўтказган беморларда дифференциал реабилитация чора-тадбирларини қўллаш самарадорлиги намоён этилган. Жигар дисфункцияси бўлган беморларда реабилитация чора-тадбирлари олиб борилган.

амалий аҳамияти шундаки, посковид синдромининг гастроинтестинал тури ривожланишининг башоратчилари аниқланган. Аминотрансферазалар миқдори ошган беморларда фақат дори терапиясини қўллаш етарли даражада самарали бўлмаслиги кўрсатилган. Covid-19 ни ўтказган беморларда жисмоний реабилитация усулларининг бирга олиб борилиши, беморларнинг эрта тикланишига ва ишга қайтишига ёрдам беради. Жигар бузилишларини ўз вақтида аниқлаш, асоратларнинг олдини олиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Илмий изланиш натижаларининг жорий қилиниши. Covid-19 билан оғриган, гепатобилиар тизимда патологияси бўлган ёш беморларни реабилитация қилишнинг дифференциал усуллар ёрдамида реабилитация ўтказиш натижалари асосида:

Covid-19 билан оғриган беморларни метаболик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда реабилитация усулларини танлаш алгоритми бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасида 08 июнь 2023 йилдаги 43-сонли буйруқ, Республика ихтисолаштирилган терапия ва Тиббий реабилитация илмий –амалий тиббиёт

марказида 06 июнь 2023 йилдаги 49-сонли буйруқ ва Чинобод санаторийсида 06 июнь 2023 йилдаги 05/92-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Олиб борилган илмий иш натижасида шу маълум бўлдики, Covid-19 билан касалланган ва жигар ферментлари ошган беморларда, 3 ойлик медикаментоз даводан кейин ҳам, касаллар орасида цитолитик кўрсаткичлар баланд бўлган беморлар учраши маълум бўлди. Бу натижалар асосан ёш беморларда кузатилди, агар биз ёшларнинг ТВИни текшириб, таҳлил қилинганимизда айнан шу контингентда ортиқча вазн ва семизликнинг турли даражалари мавжудлиги аниқланди.

Такимиллаштирилган реабилитация дастури самарадорлиги шундан иборатки, тадқиқот давомида қилган янгиликимиз касаллар харажати 50% га камайтиришга имкон беради. Ундан ташқари реабилитация чора тадбирларини амалга ошириш кўламида (n=59) ногиронликни, беморга сарфланадиган харажатларни 38 182 847 сўмга камайтиришга ёрдам беради.

Бу усулдан фойдаланиш беморларни касалхонага ётиб даволанмасдан, ўй шароитида олиб бориш йўли орқали сарфланадиган вақтни қисқартиришга имкон беради. Шунингдек, ёшлар орасида ногиронликни қисқартиради, дори дармонга сарфланадиган харажатларни ва тиббиёт ходимларининг иш вақтини камайтириш орқали юқори иқтисодий самарадорликни таъминлайди.

Бафоева Зарнигор Орифовнанинг “Covid-19 билан оғриган беморларда метаболик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда реабилитация усулларини танлаш алгоритми” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент тиббиёт академиясининг 2023 йил 09 октябрдаги 10-23/41-сонли хати юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот 6 та илмий анжуманда, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий амалий анжуманда муҳокама қилинди.

Нашр этилган илмий ишлар. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий ишлар нашр қилинди, шулардан ЎзР ОАК нинг фалсафа доктори диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 таси мақола, 2 таси хорижий 7 таси маҳаллий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб юқори эканлигига асосланган. Унинг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, шунингдек мазкур тадқиқотнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган бўлиб, унинг илмий янгилиги

ҳамда амалий натижалари ўз ифодасини топган. Олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, ҳамда ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Covid-19 ҳақида умумий тушунча, гепатобилиар тизим зарарланиши, беморларда реабилитацияни ташкил қилиш ва олиб боришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида дунёда олимлари томонидан олиб борилган илмий кузатувлар, мавзу доирасидаги муаммолар, уларнинг ечимлари, гипотезалар, кузатувлардан келиб чиққан хулосалар ўрганиб чиқилган. Мазкур илмий ишда Covid-19нинг келиб чиқиш тарихи, вирус тузилиши, эпидемиологияси, диагностикаси, клиникаси ҳақидаги маълумотлар ўрин эгаллаган. Шунингдек, ишда Covid-19да жигар дисфункцияларига сабаб бўлувчи омиллар, жигарнинг вирус натижасида зарарланиш механизмлари ҳақидаги чет эл олимлари фикрлари баён қилинган. Етакчи тиббиёт муассаларида коронавирус пандемияси даврида ташкил этилган реабилитация дастури, унинг мақсад ва вазифалари, олиб бориш тамойиллари, кўрсатмалар, қарши кўрсатмалар, қайта тиклаш жараёнини ташкил этиш босқичлари ва шу босқичларда олиб борилган чоратadbирлар ҳақида маълумотлар ўрин эгаллаган.

“Covid-19 ўтказган, гепатобилиар тизими бузилишлари бўлган беморларда олиб борилган тадқиқот усуллари ва материаллари” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, предмети ва усуллари ҳамда қўлланилган статистик усуллар ёритилган. 2020-2021 йилларда, тадқиқоти 2 босқичда олиб борилди. **Ретроспектив** усул орқали ТТА кўп тармоқли касалхонасида, Covid-19 ташхиси билан ётиб даволанган, 685 нафар беморнинг касаллик тарихи ўрганиб чиқдик. Улар орасида 182 та касалда жигар зарарланиш белгилари бор беморлар аниқланди. 182 нафар касалларни Covid-19нинг оғирлик даражалари (МСКТ) бўйича ўрганиб чиқилганда, 40 таси (22%) енгил, 70 таси (38%) ўрта оғирликда, 52 таси (29 %) оғир, 20 таси (11%) ўта оғир даражада экани маълум бўлди.

Проспектив усул Республика махсус 2-сон Зангиота шифохонасида олиб борилди. Илмий тадқиқотни олиб бориш жараёнида АЛТ, АСТ, ГГТП, ИФ ва ЛДГ миқдори ошган, 110 нафар (56,4% эркак ва 43,6% аёл) каронавирус ташхиси тасдиқланган беморлар танлаб олинди. Беморларнинг ўртача ёши $47,27 \pm 1,42$ ни ташкил қилган. Уларда МСКТ хулосаси бўйича 94 таси (85,4%) ўрта оғирликда, 16 таси (14,6%) оғир даражадаги ўпка зарарланишини кузатилди. Даволаниш давомийлиги $12,4 \pm 0,41$ кунни ташкил этди.

Барча беморларга анамнестик, клинко-биокимёвий, функционал кўрсаткичларни даволанишгача ва даволанишдан кейин баҳолаб борилди. Назорат гуруҳи учун 20 та асосий гуруҳга мос келувчи беморлар танлаб олинди.

Илмий тадқиқот ишида қуйидаги кўрсаткичлар: УҚТ, ҚБТ (АЛТ, АСТ, умумий билурубин, оқсил, С реактив оқсил, глюкоза, амилаза, креатинин, мочевино, ЛДГ ГГТП, ИФ,) коагулограмма (АЧТВ, ПТИ, ПТВ, МНО) таҳлил қилинди. Шу билан бирга функционал текширувлардан жигар ва ўт йўлларини текшириш учун УТТ, кўкрак қафаси МСКТ текшируви ўтказилди. Умумий

қон таҳлилини SESMEX XN – 550 (Япония) автоматик анализаторда, қоннинг биокимёвий таҳлили Mindray BS-380 (Хитой) автоматик анализаторда шунингдек, коагулограмма таҳлилини SYSMEX CA-104 (Япония) автоматик анализаторда амалга оширилди.

Кўкрак қафаси компьютер томографияси (МСКТ) GE Healthcare (АҚШ) ускунасида амалга оширилдан. Нафас, юрак қон-томир, таянч ҳаракат тизими ва руҳиятининг функционал ҳолатини баҳолаш учун махсус нафас функционал синамалари (Штанге, Генче синамалари), бўғимлардаги оғриқни баҳолашда (ВАШ), хавотир ва депрессияни баҳолаш учун (HADS), жисмоний юкламаларга чидамликни аниқлаш учун (Борге шкаласи, 6 мин.юриш тести) ўтказилди.


Тадқиқотдан олинган маълумотларга статистик ишлов беришда MS Excel (2010) пакетли компьютер дастуридан фойдаланилди. Барча жадвалларда келтирилган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик ва стандарт оғишлари ($M \pm m$) ҳисобланилди. Гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ишончилиги Студент мезонларини тоқ ва жуфт фарқларини қўллаш орқали аниқланди. Сифат белгилари гуруҳларда учраши гуруҳлараро тафовутни Хи квадрат мезонини қўллаб баҳоланди. Корреляцион таҳлил Пирсон корреляцион коэффицентини қўллаш ва унинг аҳамиятини ишончилик жадваллари асосида аниқлаш орқали ўтказилди.

Диссертациянинг **Шахсий тадқиқотларимиз натижалари. Ретроспектив текширилган беморларнинг клиник-лаборатор хусусиятлари** деб номланган учинчи бобида, тадқиқотнинг ретроспектив текширув усулида Тошкент тиббиёт академиянинг кўп тармоқли касалхонасида, 685 та беморлар ётиб даволанди. Улардан 54% (371 таси) аёллар, 46% (314 таси) эркеклар бўлиб, 84% (575 таси) тузалиб касалхонадан чиқиб кетганлар. Беморларнинг 16% (110 таси)да касаллик оғир кечди.

Ёш бўйича тақсимлаганда 25 таси (25 ёшдан кичиклар), 164таси ёшлар (25-43 ёшгача), 210 таси ўрта ёшлилар (44-60 ёшгача), 162 таси қариялар (61-75 ёшгача), 124 таси кексалар (76-90 ёшгача) эканлиги аниқладик. Шундай қилиб, ўрганилган беморлар орасида кўпроқ ўрта ёшли беморлар, камроқ кекса ёшдаги беморлар бўлган.

685 та беморлар орасида 11,5% (79таси) да ҳазм тизимига доир шикоят бўлган. Улардан 26,5% (182таси) да жигар ферментлари ошганлигини аниқладик. Аммо 685 нафар бемор касаллик тарихлари ўрганилганда, уларнинг анамнезида 3 тасида ЖЦ ва шунчасида сурункали гепатит В ва С бўлган.


Гастроэнтерологик шикоятлари бўлган беморларни ўрганиш шуни кўрсатдики, уларда иштаҳанинг пасайиши, кўнгил айниши, қусиш, диарея ва аносмия учраган(1-расм).



1-расм. Covid-19 билан касалланган беморларнинг (n=182) гастроэнтерологик шикоятлари бўйича тақсимланиши

Шу ўринда энг кўп аниқланган шикоят анштаха пасайиши, энг кам учрагани қусиш бўлган.

Касалларнинг биокимёвий таҳлил натижалари қуйидаги ўзгаришларни кўрсатди (2-расм).




2-расм. Covid-19 билан касалланган беморларнинг биокимёвий таҳлил натижалари.

Расмдан шу маълум бўлдики, 685 та беморларда АЛТ ва АСТ ўртача қиймати меъёрда. Аммо 182 та гастроэнтерологик шикояти бор беморларнинг клинко-биокимёвий таҳлилида АЛТ нинг 1,8 марта, АСТ нинг 1,6 мартага ошганини кузатдик.

Республика махсус 2-сон Зангиота шифохонасида беморларнинг клиник-лаборатор хусусиятлари номли 4 бобда, 110 нафар беморларнинг касаллик тарихлари ўрганилди. Covid-19 билан оғриган касалларнинг ёш


бўйича хусусиятлари ўрганилганда қуйидагилар аниқланди (3-расм).



3-расм. Ретроспектив ва проспектив тадқиқот усулларининг ёш бўйича таққосланиши

Расм таҳлилида, проспектив тадқиқотда ёш беморлар яъни 25 ёшдан 44 ёшгача бўлганлар касаллар устунлик қилган. Ретроспектив тадқиқот усулида ўрта ёшлилар кўпроқ аниқлангани таҳлил қилинди. Иккала текширув усулида кекса ёшли беморлар - 75 ёшдан катталар кам учраган.

Кейинги қадам беморларнинг шикоятини ўрганиш бўлди (4-расм).



4-расм. Covid-19 билан касалланган беморларда шикоятларнинг учраши

Ўтказилган таҳлилдан шу маълум бўлдики, Республика махсус 2-сон Зангиота шифохонасидаги беморларда умумий ҳолсизлик (93,6%) ва иштаҳа пасайиши (75,5%) аниқланди. Энг кам 7,3% қусиш, 9,1% диарея бўлди. Шунинг айтиб ўтиш керакки, шикоятлар даволаниш пайтида ошиб борган, буни 4-расмда ҳам кўриш мумкин. Иккала тадқиқот усулида иштаҳа пасайиши ва умумий ҳолсизлик доминантлик қилган.

Бизнинг тадқиқотларимизнинг катта қисмини ёшлар ташкил қилгани, уларда ортиқча вазн ва семизликнинг турли даражалари борлигини ҳисобга

олиб, касалликнинг оғирлик даражаси ва ТВИ кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғлиқликни ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал

Тана вазн индекси ва касалликнинг кечиши ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш

ТВИ кўрсаткичи	Ўрта оғир кечиши			Оғир кечиши			Жами		
	abs	M± m	P	abs	M± m	P	abs	M± m	P
ТВИ <18,5 (тана вазни дефицити)	0	0,00± 0,00	Хи-квадрат =43,617; p = 0,000	0	0,00± 0,00	Хи-квадрат =1,500; p = 0,682	0	0,00 ± 0,00	Хи-квадрат =34,218; p = 0,000
ТВИ = 18,5-25 (меъёр)	21	22,34± 4,30		3	18,75± 9,76		24	21,82± 3,94	
ТВИ = 25-30 (ортиқча вазн)	46	48,94± 5,16		4	25,00± 10,83		50	45,45± 4,75	
ТВИ = 30-35 (семизлик 1 даража)	26	27,66± 4,61		3	18,75± 9,76		29	26,36± 4,20	
ТВИ = 35-40 (семизлик 2 даража)	1	1,06± 1,06		6	37,50± 12,10		7	6,36± 2,33	
P	Хи-квадрат Пирсона = 30,740; p = 0,000								
Жами	94	85,45± 3,36		16	14,55± 3,36		110	100,0± 0,00	

Жадвалда кўришиб турибдики, касаллик оғир кечганларнинг кўпчилигида ТВИ 2-даражали семизлиги борларга тўғри келди. (ТВИ 35-40).

Covid-19 билан касалланган беморларнинг биокимёвий таҳлиллари ўрганилганда, даволаниш жараёнида кўрсаткичларнинг ўзгарганини кўрдик.

2-жадвал

Covid-19 билан касалланган беморларни (n=110) биокимёвий кўрсаткичлар хусусиятлари

№	кўрсаткичлар	Референс натижалар	даволанишгача	4 кун	7 кун
1	АЛТ (n=110)	<40 Ед/л	43,4±3,02	102,78±7,35*	115,98±11,64**
2	АСТ (n=110)	<35 Ед/л	37,57±2,62	65,79±4,57*	64,77±7,4**

3	Билирубин (n=110)	3,4-20,5 ммоль/л	9,93±0,4	10,39±0,65*	10,01±0,41**
5	СРО (n=110)	0-6 мг/л	41,93±4,63	16,74±2,95	7,54±1,01
14	ГГТ (n=17)	9-61 ЕД/л	47,8±3,41	75,8±5,34	79,8±5,18
15	ЛДГ (n=17)	225-450 ЕД/л	245,05±5,65	283,48±4,11*	295,5±5,71**
16	ИФ (n=13)	38-126 ЕД/л	159,29±6,91	139,65±2,64	152,7±5,73*

Изоҳ: *- даволанишгача ва 4 кун, ** - даволанишгача ва 7 кун, ^ - 4 кунга ва 7 кунга нисбатан натижалар ишончли ($p < 0,05$)

Агарда трансминазалар миқдори даволанишгача референс кўрсаткич оралиғида бўлса, стандарт даволаниш даврида, вирусга қарши ишлатилган препаратлар (фавипиравир, ремсидевир), глюкокортикостероидлар, антибиотиклар (klarитромицин ва бошқ.) қабул қилиш вақтида АЛТнинг 3 мартагача, АСТнинг 2 мартагача 5 даволаниш кунинда ва ҳаттоки 7 даволаниш кунигача ошганлигини кузатдик.

Жигарнинг токсик зарарланишини белгиловчи цитолитик маркёрларидан ташқари, ЛДГ, ИФ, ГГТнинг ошганини кузатилди. Намойиш этилган таҳлиллардан ГГТ нинг 5-7 даволаниш кунларда, даволанишгача бўлган кундаги натижалардан 2 баробарга ошганини аниқладик. ИФ нинг ошгани стационар даволаниш охирида ҳам меъёрга қайтмаганлиги кузатилди. Олинган натижалардан келиб чиқиб, таҳлил қилиш мумкинки жигар маркёрларининг ошиши на фақат вируснинг салбий таъсири билан боғлиқ, у дориларнинг гепатотоксик эффеќти билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, яллиғланиш маркёри СРО 41,93 мг/л дан 7,54 мг/лгача деярли нормагача пасайиб борди. Бу ўз навбатида яллиғланиш маркёрлари ва цитолитик кўрсаткичлар орасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлашга сабаб бўлди (3-жадвал).

3-жадвал

Яллиғланиш жараёнининг намоён бўлиш даражаси, умумий клиник ва цитолитик кўрсаткичлар ўртасидаги корреляция коэффициенти (r)

Лаборатория кўрсаткичлари	АЛАТ 1 (1кун)	АЛАТ 2 (5кун)	АсАТ 1 (1кун)	АсАТ 2 (5кун)
Гемоглобин 1	-0,0029*		0,0146*	
Гемоглобин 2		-0,2091*		-0,16268*
Лейкоцитлар 1	0,0193*		-0,0197*	
Лейкоцитлар 2		-0,0578*		-0,14861*
ЭЧТ 1	0,0598*		0,1589*	
ЭЧТ 2		-0,2303*		-0,21727*
СРО 1	0,0568		0,25664	
СРО 2		-0,25504*		-0,15476*

Изоҳ: *- Яллиғланиш маркёрлари (эритроцитларнинг чўкиш тезлиги (ЭЧТ), С реактив

оқсил (СРО)) ва жигар ферментлари орасида натижалар ишончли ($p < 0,05$)

Жадвал шуни кўрсатадики, даволанишнинг 1-куни яллиғланиш маркёрлари (СРО, лейкоцит ва ЭЧТ) аминотрансфераза билан кучсиз корреляцион боғланиш бўлган. 5 кунда эса умуман бошқа ҳолатни кузатдик. Бу ерда СРО ва ЭЧТ пасайиши ва жигар ферментлари ошиши билан, тескари корреляция аниқланди. Шунда, биз қайси дориларни қўллаш фонида сезиларли ўзгаришлар аниқланганлигини кўриб чиқишга қарор қилинди (4-жадвал).

4-жадвал

Вирусга қарши қўлланилган дори препаратлари пайтида жигар маркёрларининг ўзгариш динамикаси

	Кўрсаткичлар	1 кун	5 кун	Вилкоксон меъзони		7 кун	Вилкоксон меъзони	
		М± m	М± m	Z	P	М± m	Z	P
Фавипировир	АЛТ	35,00± 3,72	132,41± 15,51*	-5,268	0,000	128,33± 28,22	-0,105	0,917
	АСТ	28,26± 2,54	78,36± 9,64*	-4,969	0,000	53,33± 13,82	-,314 ^c	0,753
Ремсидивир	АЛТ	48,51± 4,42	82,48± 6,40*	-4,091	0,000	111,13± 39,72	-0,785	0,433
	АСТ	42,18± 3,93	55,23± 4,55*	-2,072	0,038	70,47± 26,10	-0,408	0,683
Фавип+ ремси...	АЛТ	48,14 ± 12,58	116,29 ± 38,53	-0,845	0,398	115,60 ± 28,21	-0,405	0,686
	АСТ	49,67 ± 12,85	82,57 ± 20,39	-0,314	0,753	61,40 ± 4,52	-0,405	0,686

*-1 ва 4 кундаги Аланинаминотрансфераза (АЛТ) ва Аспартатаминотрансфераза (АСТ) натижалари статистик аҳамиятга эга ($p > 0,05$).

Тадқиқот натижаларига кўра қуйидагилар аниқладик, Фавировир ва ремсидивир қабул қилган беморларнинг 1 ва 4 кундаги АЛТ ва АСТ

натижалари статистик аҳамиятга эга ($p>0,05$). Фавировир қабул қилганларнинг аминотрансфераза кўрсаткичларининг максимал ошиши 5 кунда кузатилди, 1-кун 5-кунга нисбатан АЛТ 3,7 марта ва АСТ 2,7 мартага ошди. Ремсидивир қабул қилган беморларда эса цитолитик кўрсаткичларнинг энг юқори кўрсаткич 7 кунда кузатилиб, 1-кун 7-кунга нисбатан АЛТ 2,3 марта ва АСТ 1,6 мартага кўтарилган. Фавировир ва Ремсидивирни бирга олганларда даволаниш давомида максимал натижа 5-кунда кузатилиб, 1-кун билан 5-кунга нисбатан АЛТ 2,4 марта ва АСТ 1,7 мартага ошганига гувоҳ бўлдик.

Гормонлар ва антибиотиклар ҳам касалликнинг ўртача курси бўлган Covid-19 билан оғриган беморларни даволаш стандартига киритилганлиги сабабли, беморларда ферментлар даражасининг ошиши ва комбинацияланган вирусга қарши терапия ўртасидаги мумкин бўлган корреляцион боғлиқликни ўрганишга қарор қилинди (5-жадвал).


5 -жадвал

Ферментлар даражасининг ошиши ва биргаликда вирусга қарши терапия ўртасидаги корреляция коэффициентини (r) ҳисоблаш натижалари.

Қўшимча	Ўсиш АЛТ	Ўсиш АсАТ	<i>P</i>
ёш	-0,356	-0,361	
Вирусга қарши+антибиотик (цефтриаксон, левофлуксацин)	-0,169	-0,091	<i>P</i> <0,05
Гормонлар (дексаметазон, преднизолон)	-0,130	-0,235	<i>P</i> <0,05

Шу билан бирга, ферментларнинг ўсиши ва глюкокортикоид терапияси ўртасида жуда кучли корреляция ўрнатилди.

Беморларни кузатиш жараёнида, уларнинг баъзилари ортиқча вазнга эга эканлигини аниқланди. Текширилган шахсларда клиник, анамнестик ва лаборатория параметрларини ўрганишда қуйидагиларни аниқланди (5-расм).



5-расм. Тана вазн индекси ва жигар ферментлари орасида корреляцион боғлиқлик

Текширувлар натижасида ТВИ ва жигар ферментлари орасида корреляцион боғлиқлик аниқланди, шунингдек АЛТ билан $r=0,456$, АСТ билан $r=0,377$ бўлиб, улар орасида ўртача кучли боғланишни аниқланди.

Кейинги мақсад беморларнинг 3 ойдан кейинги шикоятларини ўрганиш бўлиб, уларнинг 59 тасида постковид шикоятлар аниқланди. Беморларни 2 гуруҳга ажратилди, асосий гуруҳ (59 та) реабилитация дастурида иштирок этди. Назорат гуруҳи 20 киши бўлиб, улар тикланиш дастурида иштирок этмади. Реабилитация босқичларини аниқлаш учун биз касалликнинг постковид асоратлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда мослаштирилган маршрутлаш шкаласидан фойдаландик. Шу билан бирга, биз ҳолсизлик, юрак уриши, ҳансираш, терлаш, миалгия каби шикоятларни ҳисобга олдик, шунингдек, 6 дақиқалик юриш тести билан натижаларини баҳоладик. Ушбу маълумотлар ҳар бир аломатни 1 дан 3 баллгача баҳолаш имконини берди (6-жадвал). Йиғилган баллар беморларни реабилитация ўтказиш босқичини аниқлашга ёрдам берди, масалан, уйда, амбулатория ёки стационар шароитда.

6-жадвал

Янги коронавирус инфекциясига чалинган беморларда мавжуд шикоятлар асосида реабилитация ўтказиш босқичини аниқлаш

1 балл. Жисмоний зўриқишда	2 балл. Кундалик жисмоний ҳаракатда	3 балл. Тинч ҳолатда
1. Ҳолсизлик. 2. Юрак ўйнаши. 3. Ҳансираш.	1. Ҳолсизлик. 2. Тез чарчаш. 3. Юрак ўйнаши.	1. Ҳолсизлик. 2. Тез чарчаш. 3. Юрак ўйнаши.


4. Терлаш. 5. 6 дақ.юриш тести(>425м)	4.Ҳансираш. 5.Терлаш. 6.6дақ.юриш тести(301- 425м)	4.Ҳансираш. 5.Терлаш. 6.Мушакда оғриқ. 7.Юракда оғриқ. 8.Бош айланиши. 9.6дақ.юриш тести (150-301м)
Реабилитация уй шароитида	Реабилитация амбулаторияда	Реабилитация стационарда

Беморларимиздаги шикоятлар ва клинико-биокимёвий таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда, короновирусни ўтказган беморларга реабилитация чора тадбирларини тўғри ташкил қилишлари учун махсус ЭХМ дастур яратилди(6-расм).

6-расм. Covid-19 ни ўтказган беморлар учун реабилитация босқичини аниқлаш ЭХМ дастури

Касалликдан 3 ой ўтгач, параметрларни таҳлил қилиш натижасида баъзи беморларда цитолитик параметрларнинг тикланганлигини кузатдик. Шу билан бирга, асосий гуруҳнинг 59 беморида бу кўрсаткичлар нормал қийматларга етиб бормаганлиги аниқланди. Батафсил таҳлил шуни кўрсатдики, текширилганлар орасида ёшлар устунлик қилади (46 бемор). Олинган натижа билан боғлиқ ҳолда биз жигар ва ўт пуфагини ултратовуш текширувини ўтказишга қарор қилинди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 46 беморда ТМИ кўпайган, бу ортиқча вазн ёки семиришдан далолат беради. Ултратовуш текшируви улардаги қуйидаги ўзгаришларни аниқлади. Биз танлаб олган беморларнинг 57% сурункали холецистит (гипотоник тури), 6%да сурункали панкреатит, 78% да ЖНАЁД белгилари мавжуд эди.

Клиник ва лаборатория тадқиқотларидан ташқари, Постковид синдроми борлиги учун махсус сўровнома ёрдамида Covid-19 билан касалланган беморлар ўртасида сўров ўтказилди (7-расм).



7-расм. Асосий ва назорат гуруҳ беморларининг шикоятлари таҳлили

Олинган натижаларни таҳлил қилганда, энг кўп қилинган шикоятлар ҳолсизлик 100%, хотира пасайиши 95%, кўрқув ва депрессия 91,5%.

Реабилитация дастурини ишлаб чиқиш учун беморларнинг бирламчи жисмоний ҳолати аниқланди, улар махсус тестлар ёрдамида баҳоланди, ҳамда жигар ва ўт пуфағи касалликлари аниқланган беморларда.


Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, асосий гуруҳдаги беморлар назорат гуруҳига нисбатан Штанге ва Генче пробаларида параметрлар ўзгариши яққолроқ намоён бўлган Шундай қилиб, агар даволанишдан олдин Штанге пробасининг кўрсаткичлари барча беморларда таққосланадиган бўлса, реабилитация комплексидан кейин биз 1,73 мартага яхшиланишини кўрамыз (расм 8).



Изоҳ: *- даволанишгача ва даволанишдан сўнг натижалар статистик аҳамиятга эга $p < 0,05$


8-расм. Текиширилган беморларда Штанге ва Генче пробаларининг кўрсаткичлари

Бошқа тестлар шунга ўхшаш натижаларни кўрсатди. ВАШ шкаласини баҳолаш асосий гуруҳдаги кўрсаткичнинг назорат гуруҳига нисбатан 3,5 баравар камайганлигини аниқлади, бу ерда пасайиш 2 баравар қайд этилди



Изоҳ: *- доволанишгача ва доволанишдан сўнг натижалар статистик аҳамиятга эга $p < 0,05$

9-расм Текширилган беморларда ВАШ шкаласи ва HADS сўровномаси натижалари кўрсаткичлари



Изоҳ: *- доволанишгача ва доволанишдан сўнг натижалар статистик аҳамиятга эга $p < 0,05$.

10-расм 6 дақиқали юриш тести ва Борга шкаласи натижалари кўрсаткичлари

Ковиддан кейинги бузилишларни таҳлил қилиш, бизни Covid-19 билан касалланган беморлар учун кенг қамровли реабилитация дастурини ишлаб чиқишга ундади. Ҳар бир машқ видеофайл сифатида қайд этилди. Маълумотлар махсус рақамли дастурлар ёрдамида қайта ишланди ва беморларнинг смартфонларига юклаб олинди ва QR кодлари яратилди. Бу беморларга уйдан масофадан туриб жисмоний машқлар тўпламини бажаришга имкон берди.

Масалан, постковид синдроми ва аминотрансферазалар миқдори ошган беморларда жигар ва ўт йўллари фаолиятини яхшилайдиган машқлар қўшилиши билан жисмоний фаолликни оширишни тавсия қилдик (7-жадвал).

7-жадвал

Жигар ва ўт йўллари фаолиятини яхшиловчи даволовчи жисмоний машқлар

Жисмоний машқ давомийлиги 40 дақиқа	
Кириш қисми (25%)	Такрорлаш сони ва дам олиш оралиғи (хафтасига 3 марта)
1. Д.х.- тик турган ҳолатда, қўллар белда. Танани ўнг ва чапга бураемиз.	6/2/10
2. Д.х.-тик турган ҳолатда, қўллар ён томога. Ўнг қўл билан чап тиззани, чап қўл билан ўнг тиззани ушлаймиз, кейинчалик оёқларга тортиламиз.	8/2/10
3. Д.х.-тик турган ҳолатда, қўллар бирлаштирилади ва бош орқа томонига қилинади. Тана қисми айланма ҳаракатлантирилади.	10/2/10
Асосий қисм (50%)	
1. Д.х. тиззага ўтирган ҳолатда, ўнг қўл қоринда, чап қўл кўкрак қафасида, қорин билан нафас олинади ва нафас чиқарилади 8-10 марта бажарилади.	8/2/10
2. Д.х. тиззага ўтирган ҳолатда, қўлларимиз билан қовурға остини ушлаймиз, қоринни тўлдириб нафас оламиз, нафас чиқарамиз	8/2/10
3. Д.х. тиззамизга ўтириб оламиз, қўлимизни бошимиз орқасига қилиб, нафас олганда тепага қараб тортамиз, бир қўлимиз билан полга суянамиз, нафас чиқарганда қўлимизни пастга тушурамиз ва бўшашамиз.	8/2/10
4. Д.х. тиззамизга ўтириб оламиз, кўкрак қафасимизда айланма ҳаракатларни бажарамиз.	8/2/10
5. Д.х. тиззамизни елка кенглигида очамиз, чуқур нафас оламиз, бошимизни орқага қиламиз, кўкрак қафасини максимал очамиз, нафас чиқарганда бошимизни олдинга осилтириб, бутун ҳавони чиқарамиз.	8/2/10
Яқунловчи қисм (25%)	
1. Д.х.- тик турган ҳолатда, қўллар пастда. Нафас олганда оёқ учида турамиз, нафас чиқарганда д.х қайтамиз.	10/2/10
2. Д.х.- секин ўтириб турамиз.	8/2/10
3. Жойимизда секин тепмда юрамиз.	30 сек

Изоҳ. Д.х-дастлабки ҳолат



Жигар ва ўт йўллари фаолияти бузилган постковид синдроми бўлган беморлар учун телереабилитацияни амалга оширишга имкон берувчи QR код.

Реабилитация самарадорлигини аниқлаш мақсадида асосий ва назорат гуруҳ беморларни даволанишгача ва даводан кейинги натижаларни ўрганиб чиқдик.

8-жадвал

Реабилитациягача ва реабилитациядан кейинги асосий, назорат гуруҳлари биокимёвий таҳлили

Кўрсаткич	Реабилитациягача		Реабилитациядан сўнг	
	А	Н	А	Н
АЛТ	7,6±3,8	45,5±3,8	23,7±1,73*	44,9±3,31
АСТ	7,7±3,64	28,4±2,4	25,6±1,48	25,4±1,82

Изоҳ: *-реабилитациягача ва реабилитациядан кейинги кўрсаткичларга статистик аҳамиятга эга ($p > 0,05$)

Жадвалдан кўришиб турибдики, ўтказилган терапия АЛТ миқдорининг нормаллашишига ёрдам берди, бу реабилитациядан олдинги кўрсаткичга нисбатан деярли 2 баравар камайди. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу кўрсаткичнинг пасайиши билан тана вазнининг асл вазнидан, ўртача 3-5% га камайишини кўрсатди.

Ўт ҳайдовчи нонушта текширув усули ёрдамида ўт пуфаги ҳажми ва периметри динамикасини ўрганиш кўйидаги натижаларни кўрсатди (9-жадвал).

9-жадвал

Реабилитациягача ва реабилитациядан кейинги асосий беморларда ўт пуфаги ҳажми ва периметрлари динамикаси (УТТ)

Ўт қопи кўрсаткичлари	Асосий гуруҳ			
	Даволанишгача		Даволанишдан сўнг	
	пробагача	пробадан сўнг	Пробагача	пробадан сўнг
Периметр (мм)	13,7±0,04	7,81±0,05	8,5±0,03*	4,2±0,03*
Ҳажми (мл)	12,8±0,07	7,4±0,06	7,6±0,05*	3,63±0,06*

Изоҳ: *-даволашишгача ва даволашишдан кейинги натижалар статистик аҳамиятга эга ($p > 0,05$)

Ўт пуфагининг ҳаракатчанлигини яхшилашга ёрдам берадиган машқларнинг реабилитация комплексига киритилганлиги ўт пуфагида гипомотор дискинези бўлган беморларда юқори самарадорликни кўрсатди. Ушбу беморларда ўт пуфагининг қисқариш функцияси яхшиланди, бу уларнинг ўнг қовурға остидаги оғриқ шикоятининг камайиши билан намоён бўлди.

Шундай қилиб, ўтказилган терапия нафақат жисмоний фаолликнинг ошиши, фаровонликнинг яхшиланиши, шунингдек, COVID-19 билан касалланган беморларда жигар ва ўт йўллари ҳолатининг яхшиланиши билан ифодаланган юқори самарадорликни кўрсатди.

ХУЛОСАЛАР

“COVID -19 ўтказган, гепатобилиар тизими бузилишлари бўлган ёш беморларни реабилитация қилиш хусусиятлари” диссертацияси давомида олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. COVID-19 билан оғриган беморларнинг клиник, биокимёвий ва инструментал параметрларини ретроспектив текширув усули орқали ўрганиш шуни кўрсатдики, касалликнинг оғир кечишида, сатурация кўрсаткичларининг пастлиги, ўпканинг зарарланиши МСКТ да 25%дан юқорилиги ва коморбит ҳолати мавжудлиги бўлди;

2. COVID-19 билан касалланган беморларнинг анамнестик, клиник, биокимёвий ва инструментал кўрсаткичларини ретроспектив усул билан проспектив усул солиштирганда, жигар ва ўт пуфаги фаолиятининг бузилиши ёшларда кенг тарқалганлигини кўрсатди. Шунингдек уларда АЛТ (267,2 %), АСТ (172,3 %), ГГТП (166%), ЛДГ (120%) даражасининг статистик жиҳатдан сезиларли ўсиши аниқланади;

3. COVID–19 беморларида жигар шикастланишининг прогностик кўрсаткичи, яъни ёш беморлар, ТМИ 30дан ошиши, нораціонал овқатланиш ва камҳаракатлилиги бор. Ушбу беморларда медикаментоз реабилитация ўтказишнинг ўзи етарли даражада самарали бўла олмайди.

4. COVID-19ни ўтказган беморларнинг реабилитация маршрутизацияси шкаласини оптималлаштириш, ҳаётий параметрларнинг эрта тикланишига олиб келади.

5. COVID–19 ни ўтказган, жигар фаолияти бузилган ёш беморлар учун рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда, дифференциялашган реабилитацияни қўллаш, функционал параметрларни яхшилашга ва иш жойларига эрта қайтишга ёрдам беради.

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

БАФОЕВА ЗАРНИГОР ОРИФОВНА

**ОСОБЕННОСТИ РЕАБИЛИТАЦИИ БОЛЬНЫХ МОЛОДОГО
ВОЗРАСТА, ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19 С ПАТОЛОГИЕЙ
ГЕПАТОБИЛИАРНОЙ СИСТЕМЫ**

**14.00.05- Внутренние болезни,
14.00.12 – Медицинская реабилитация**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024

Тема диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.4.PhD/Tib2224

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб- странице по адресу www.tma.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Хамраев Абдор Асрорович
доктор медицинских наук, профессор
Собирова Гузал Наимовна
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Рахимова Дилором Алимовна,
доктор медицинских наук, профессор;
Муминов Даврон Кадинович,
доктор медицинских наук, доцент.

Ведущая организация:

Бухарский государственный медицинский институт
имени Абу Али ибн Сино.

Защита состоится «__» _____ 2024 г. в __ часов на заседании Научного совета

Dsc 04/30.12.2019.Tib 30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109.г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел/факс: (+998 71) 1507825, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирован № ____). Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фароби, 2. Ташкентская медицинская академия, 2 учебный корпус крыло“б”, 1 этаж, 7 кабинет. Тел./Факс: (+99871) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2024 года.
(протокол рассылки № ____ от «__» _____ 2024 года.)

А.Г. Гадаев

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

М.Т.Рустомова

Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всём мире настоящее время недостаточно сведений для проведения профессиональной, основанной на фактических данных медицинской реабилитации больным, перенесшим COVID-19, вследствие того, что заболевание является новым, а традиционный способ получения данных, длительные наблюдения невозможны в условиях пандемии. Новая коронавирусная инфекция возложила на систему общественного здравоохранения огромную нагрузку ответственных и быстрых действий, к которым относятся: раннее выявление заболевания, правильный диагноз, оказание специализированной медицинской помощи, реабилитация и профилактика вторичной инфекции.¹

Всемирная организация здравоохранения отметила, что, принимая во внимание в период пандемии, специфику патогенеза заболевания SARS-CoV-2, использование существующего метода лечения может быть неэффективным или даже опасным. На сегодняшний день ряд ведущих мировых клиник работают над разработкой высокоэффективных методов диагностики, лечения и восстановления больных. Для того чтобы рассмотреть рекомендации и устранить в них недостатки, требуется объединение представителей медицинской сферы и, в частности, реабилитологов.²

В нашей стране, подобно другим развитым странам, в настоящее время проводятся многочисленные реформы по совершенствованию системы здравоохранения, основной целью которых является улучшение здоровья, социальной жизни населения, ранняя диагностика и лечение заболеваний, соответствующие мировым стандартам. Переход медицины на новый уровень, в основе которой лежит повышение медицинской культуры населения, является организация точного, эффективного, качественного и комплексного медицинского обслуживания, повышение уровня здоровья, профилактика заболеваний и, таким образом, заложение основы для современных методов диагностики и лечения.³

В период пандемии были изданы указы президента Республики Узбекистан ПП № 5537 от 29.01.2020 года создания Республиканской специальной комиссии по подготовке программы мер по предотвращению проникновения и распространения нового типа коронавируса в Республике Узбекистан.

В соответствии с ним из-за появления нового типа коронавируса 2019-N CoV (в следующих местах — коронавирус), на территории Республики Узбекистан проводились мероприятия по предотвращению распространения и

¹ World Health Organization. Coronavirus disease 2019 (COVID-19) situation report – 48, Available at: https://www.who.int/docs/default-source/coronaviruse/situation-reports/20200308-sitrep-48-covid-19.pdf?sfvrsn=16f7ccef_4[accessed: Mart 9,2020¹ <https://news.un.org/ru/story/2020/12/1392082>

² Yang X, Yu Y, Xu J, et al. Clinical course and outcomes of critically ill patients with SARS-CoV-2 pneumonia in Wuhan, China: a single-centered, retrospective, observational study. *Lancet Respir Med.* 2020;8(5):475–481. doi: 10.1016/S2213-2600(20)30079-5.

³ Указ Президента Республики Узбекистан № 5537 от 29 января 2020 г. "О создании Республиканской специальной комиссии по подготовке программы мер по предотвращению проникновения и распространения нового типа коронавируса в Республику Узбекистан"

обеспечения благоприятной санитарно-эпидемиологической обстановки и защиты здоровья населения.

Выполненная диссертационная работа в определённой мере соответствует задачам, поставленным в Указе Президента Республики Узбекистан от 26 марта 2020 года № 4649 "О дополнительных мерах по предотвращению распространения коронавирусной инфекции в Республике Узбекистан", Указе Президента Республики Узбекистан от 25 июля 2020 года № 6035 "О мерах по смягчению последствий пандемии коронавируса. Цель этих указов заключается в ранней диагностике заболеваний, их осложнений и разработке программы медицинской реабилитации. Работа над данной диссертацией была выполнена на основе указа Президента Республики Узбекистан № 4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» о мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности учреждений первичной медико-санитарной помощи в Республике Узбекистан, и от 29 марта 2017 года «Мерах по дальнейшему развитию содействия» принятое в исполнении указа президента Республики Узбекистан № 3071.

